



## СОЛИҚҚА ТОРТИЛАДИГАН ФОЙДА МАЪМУРИЯТЧИЛИГИ МЕХАНИЗМИ: ХУСУСИЯТЛАРИ ВА ҲОЗИРГИ ЗАМОН МУАММОЛАРИ.

**Зарипов Хусан Баходирович,**

Тошкент молия институти

“Солиқлар ва солиққа тортиш” кафедраси доценти, PhD, Тошкент, Ўзбекистон.

Email: [xb\\_zaripov@mail.ru](mailto:xb_zaripov@mail.ru)

ORCID: 0009-0005-8939-5006

## TAXABLE BENEFIT ADMINISTRATION MECHANISM: CHARACTERISTICS AND CONTEMPORARY PROBLEMS

**Zaripov Khusan Bakhodirovich,**

Associate Professor of the Department of Taxes and Taxation,

Tashkent Financial Institute, PhD, Tashkent, Uzbekistan. Email: [xb\\_zaripov@mail.ru](mailto:xb_zaripov@mail.ru)

ORCID: 0009-0005-8939-5006

### **JEL Classification: H2, H21**

**Аннотация:** Мазкур мақолада амалдаги солиқ қонунчилиги асосида солиққа тортиладиган фойда маъмуриятчилиги механизмининг моҳияти, хусусиятлари ва ҳозирги замон муаммолари ёритилди. Шу билан бирга мақолада солиққа тортиш амалиётида фойда солиғи элементларининг хусусиятлари, солиққа тортиладиган фойда маъмуриятчилиги тадбирларининг фискал ва тартибга солувчи вазифалари ижроси натижалари ўрганилди.

Фойда тушунчасининг иқтисодий мазмуни, унинг шаклланиши, бухгалтерия фойдаси, соф фойда каби иқтисодий тушунчаларни иқтисодчи олимлар қарашлари асосида ифодаланган. Фойда солиғини ундириш жараёнида солиқ базасини шаклланиши жараёнида юзага келаётган ўзига хос жиҳатлар баён қилинган. Нафни баҳолаш имконияти мавжуд бўлган тақдирда ва бундай нафни баҳолаш мумкин бўлган даражада ҳисобга олинadиган пул ёки натура шаклидаги иқтисодий наф даромад деб эътироф этилишини қайд этган.

Фойда солиғини ҳисоблашда иқтисодий жиҳатдан ўзини оқлаган харажатларни аниқлашнинг ўзига хос хусусиятлари ўрганилган. Иқтисодий жиҳатдан ўзини оқлаган чиқимларга тавсиф берилган. Даромад олишга қаратилган фаолиятни амалга ошириш мақсадида қилинган бўлса, шундай тадбиркорлик фаолиятини сақлаб туриш ёки ривожлантириш учун зарур бўлса ёхуд хизмат қилса ва харажатларнинг тадбиркорлик фаолияти билан алоқаси аниқ асосланган бўлса, солиққа тортиладиган базадан чегирилиши асосланган.

Сўнги 8 йилдаги фойда солиғи бўйича тушумларнинг давлат бюджети даромадларидаги ўрни таҳлил қилинган. Фойда солиғи базасини шаклланишида чегириладиган ва чегирилмайдиган харажатлар таркиби, солиқ солиш мақсадларидаги ҳисоб сиёсати солиқ тўловчи томонидан мустақил равишда белгиланиши илмий асосланган.

Солиқ концепцияси доирасида фойда солиғини тўлашга ўтган барча тадбиркорлик субъектлари учун фойда солиғи базасини ҳисоблаш юзасидан



амалий қўлланмалар ва дастурий маҳсуллар ишлаб чиқиш бўйича тавсиявий хулосалар берган. Барча тадбиркорлик субъектларини босқичма-босқич фойда солигини тўлашга ўтказиш, тижорат банклари учун ҳам фойда солиғи ставкасини 15 фоиз миқдорда белгилаш мақсадга мувофиқ бўлиши юзасидан таклифлар бериб ўтилган.

**Abstract:** In this article, the nature, characteristics and current problems of the mechanism of taxable profit administration based on the current tax legislation were highlighted. At the same time, the article examines the features of the profit tax elements in the practice of taxation, the results of the implementation of fiscal and regulatory tasks of the activities of the taxable profit administration.

The economic content of the concept of profit, its formation, economic concepts such as accounting profit and net profit are expressed based on the views of economists. The specific aspects that arise in the process of tax base formation during the process of collecting the profit tax are described. It noted that economic benefit in the form of money or in kind, which is taken into account to the extent that it is possible to assess the benefit, is recognized as income.

Specific features of determining economically justified expenses in the calculation of profit tax are studied. Economically justified outputs are described. Deduction from the taxable base is justified if it is made for the purpose of carrying out activities aimed at obtaining income, if it is necessary or serves to maintain or develop such business activity, and if the connection of expenses with business activity is clearly based.

The role of profit tax revenues in the state budget revenues for the last 8 years has been analyzed. The composition of

deductible and non-deductible expenses in the formation of the profit tax base, the accounting policy for taxation purposes is determined independently by the taxpayer.

He gave recommendations on the development of practical guides and software products for calculating the profit tax base for all business entities that have switched to paying profit tax within the framework of the tax concept. Proposals were made regarding the feasibility of gradually transferring all business entities to paying profit tax, and setting the profit tax rate at 15 percent for commercial banks.

**Калим сўзлар:** фойда, солиққа тортиладиган фойда, фойда солиғи, фойда солиғи элементлари, чегириладиган ва чегирилмайдиган харажатлар, молиявий-хўжалик фаолият натижалари, давлат бюджети, солиқ концепцияси, солиққа тортиладиган фойда маъмуриятчилиги механизми.

**Key words:** profit, taxable profit, profit tax, elements of profit tax, deductible and non-deductible expenses, results of financial and economic activity, state budget, tax concept, mechanism of taxable profit administration.

**Кириш.** Жаҳон иқтисодиётида кўп муҳокама қилинадиган масалалардан бири солиққа тортишнинг иқтисодий ўсиш билан ўзаро боғлиқлиги ҳисобланади. Ҳозирги кунда корхоналар фойдасини солиққа тортиш иқтисодиётда рақобат муҳитини шакллантириш ва иқтисодий ўсишни таъминлашнинг муҳим омили саналади. Хусусан, «2019 йилда ЯИМда корпоратив фойда солиғи улуши Японияда 4,2 фоизни, Канадада 3,8 фоизни, Буюк Британияда 2,5 фоизни, Францияда 2,2 фоизни, Германияда 2,0 фоизни, Италияда 1,9 фоизни, АҚШда 1,0 фоизни ташкил этган»[1]. Фойдани солиққа тортиш давлат бюджети ва

корхона молиявий-хўжалик фаолиятига сезиларли таъсир этувчи восита ҳисобланади. Шу боисдан фойдани солиққа тортиш механизмини такомиллаштириш ҳар доимо долзарб масалалардан биридир.

Халқаро миқёсда фойдадан олинadиган солиқнинг иқтисодий ўсишга таъсирини ўрганиш, экспорт-импорт муносабатларини тартибга солиш, хорижий инвестицияларни жалб қилиш, шу билан бирга рақобат шароитида фойдадан олинadиган солиқдан қочиш ҳолатларининг кузатилиши ва уларни бартараф этишга мос қонунчилик нормаларининг жорий қилиниши, бу орқали барча даромадлардан солиқ тўлашга жалб қилишга ҳаракат қилиш чора-тадбирлари кузатилмоқда. Шунга кўра, ҳозирги шароитда солиқ юқини изчиллик билан пасайтириш, қулай бизнес юритиш учун ижтимоий-иқтисодий шароитлар яратиш, «яширин» иқтисодий кескин қисқартириш, самарали солиқ сиёсатини юритиш, шунингдек фойдани солиққа тортиш механизмини такомиллаштириш йўналишларидаги илмий-амалий тадқиқотлар бўйича изланишлар олиб борилмоқда.

Ўзбекистонда солиқ соҳасида чуқур иқтисодий ислохотларни олиб бориш шароитида солиқ юқини кескин қисқартириш орқали корхоналарда ўз ихтиёрига қоладиган молиявий ресурслар ҳисобига ишлаб чиқаришни замонавийлаштириш, инвестицион фаолиятни кенгайтириш орқали уларнинг самарадорлигини ошириш, янги иш ўринларини яратиш устувор йўналишлардан ҳисобланади. «Солиқ сиёсатини такомиллаштириш доирасида солиқ юқини изчиллик билан камайтириш, солиқ солиш тизимини соддалаштириш ва солиқ

маъмуриятчилигини такомиллаштириш иқтисодий жадал ривожлантириш ҳамда мамлакатнинг инвестициявий жозибдорлигини яхшилашнинг энг муҳим шартлари ҳисобланади»[2].

Мазкур вазифалар «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегияси» да ҳам янада қатъий ва кенг қамровли тарзда қўйилди: «...солиқ юқини камайтириш ва солиққа тортиш тизимини соддалаштириш сиёсатини давом эттириш, солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштириш ва тегишли рағбатлантирувчи чораларни кенгайтириш»[3] муҳим йўналиш сифатида белгилаб берилган.

**Материал ва метод.** Солиқ сиёсатини такомиллаштириш ва иқтисодий рақобатбардошлиликни таъминлашда фойда солиғининг хўжалик субъектлари фаолиятига таъсирини оптималлаштириш долзарб масала ҳисобланади. Мазкур йўналишдаги вазифалар фойдани солиққа тортиш механизмини такомиллаштириш асосида тадбиркорлик субъектлари қўлга киритувчи фойдани тартибга солиш муаммоларини ҳал қилишни талаб этади.

М.Расулов бозор иштирокчисининг манфаатдорлиги фойда миқдори билан белгиланишини қайд этиб, - «фойда - тушумнинг харажатлардан ортик қисмидир»[4] деб таърифлайди.

Б.Абдукаримов фикрича, «Фойда – бу мураккаб иқтисодий категориялардан бири ҳисобланади. У асосан қўшимча қиймат яратиш ва ишлатиш жараёнида юзага келадиган иқтисодий муносабатларни ифодалайди»[5].

Илмий иқтисодий адабиётда «иқтисодий фойда» ва «бухгалтерия фойдаси» талқини учрайди. Иқтисодий фойда кенг тушунча бўлиб, корхонанинг ҳисобот давридаги барча моддий ва

молиявий активлари иқтисодий қийматининг ўсиши билан хусусиятланади. Бухгалтерия фойдаси деганда, корхонанинг даромадлари ҳамда харажатлари ўртасидаги ижобий фарк тушунилади.

Умуман олганда, "фойда иқтисодий категория сифатида ишлаб чиқариш омилларини (меҳнат, капитал, табиий ресурслар) узвий алоқадорлиги асосида жамиятнинг моддий ишлаб чиқариш соҳасида яратилган пировард молиявий натижадир"[6].

Корхоналар фойда солиғининг мазмуни молиявий-хўжалик фаолияти натижасида олинган фойданинг маълум бир қисмини давлат бюджетига ўтказилишида юзага келадиган муносабатларда намоён бўлади. Шу боис «фойда солиғи» тушунчасига қуйидагича таъриф шакллантирилди: «Фойда солиғи деганда корхона, ташкилот ва бирлашмаларда яратилган қўшимча қийматнинг бир қисми сифатида фойдани қонун доирасида белгиланган чегараларда мажбурий тўлов сифатида уни давлат бюджети ихтиёрига ўтказилиши билан боғлиқ пул муносабатлари тушунилади»[4].

Хуллас, фойда солиғи механизми солиқ муносабатларининг қонун-қоида ва воситалари тўпламидан иборат бўлиб, улар ёрдамида солиқ сиёсатининг мақсадига эришиш таъминланади»[5].

Фойда солиғи бевосита солиқ сифатида тан олиниб, у маҳсулот ишлаб чиқариш (хизматларни кўрсатиш, ишларни бажариш) соҳасидаги инвестицион жараёнларнинг барқарорлигини таъминлайди, шунингдек капиталнинг қонуний ошишини кафолатлайди [7].

**Натижалар.** Фойдани солиққа тортишнинг асосий шарти фойдани келтириб чиқаришнинг зарурлиги ва бу

борада хўжалик субъектлари молиявий фаоллигини ошириш билан ифодаланган.

Фойдани солиққа тортиш корхоналар молиявий муносабатларини ривожлантиришнинг асосий омилларидан бири бўлиб, бу жараён юридик шахслар томонидан фойдадан самарали фойдаланиш билан бирга уни тақсимлаш ва қайта тақсимлашни ҳам тубдан ислох қилишни талаб этади.

Фойда ижтимоий маҳсулотнинг бир қисмини тақсимлаш ва қайта тақсимлаш жараёнини шакллантиришда муҳим ўринга эга. У такрор ишлаб чиқаришнинг узлуксиз давом этиши ва унинг кенгайтирилишини таъминлашда мустақил ҳаракат қилиб, иқтисодий категория сифатида шаклланади. Ижтимоий маҳсулотнинг бир қисмини яратиш, тақсимлаш ва ундан фойдаланиш жараёнида фойда махсус ва умумхўжалик жамғармаларини ташкил этиши билан бирга давлат бюджетини пул маблағлари билан таъминлашда фаол иштирок этади.

Шунинг учун хўжалик субъектларини солиққа тортишнинг муҳим муаммоларидан бири фойда ва солиқ ставкаси ўртасидаги узвий боғлиқликни таъминлаш муаммоси ҳисобланади. Бу муаммо назарий ёндашувларда кўпгина фан намоёндалари диққатини тортган. Шуни ҳам таъкидлаш лозимки, бу муаммо ҳам назарияда, ҳам хўжалик субъектлари амалиётида ҳам нафақат фойдани шакллантириш ва тақсимлаш заруратини, шу билан бирга уни солиққа тортишни ҳам долзарб масалага айлантиради.

Солиқлар хўжалик юритувчи субъектлар ишлаб чиқариш фаолиятини тартибга солишнинг самарали воситаси ҳисобланади, улар корхона раҳбариятини таннархни пасайтириш орқали ва ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш



воситасида фойданинг ўсишини таъминлашга мойиллигини оширади.

Шундай қилиб, фойда солиғининг ижтимоий-иқтисодий мазмунини тушуниш учун у билан боғлиқ молиявий ресурслар ҳаракатининг қуйидаги хусусиятларини келтириб ўтиш эътиборга моликдир:

1. Барча солиқларга хос хусусият сифатида фойда солиғи бўйича ҳам тўловчи ўз фойдасидан солиқни давлат бюджетига тўлаган ҳолда унинг ўрнига ҳеч қандай моддий кўринишда наф олмайди. Балки қонун йўли билан белгилаб қўйилган миқдорда ва муддатда ҳисобланган фойда солиғини ўтказиши. Бу хизмат учун тўлов, рухсатнома (лицензия) ва бошқа шунга ўхшаш тўловлардан фарқ қилади.

2. Фойда солиғининг оптимал ставкаси белгиланиши ва маълум бир жамғармага келиб тушиши таъминланади. Бу давлат бюджетининг керакли миқдорда тўлдирилиши ва солиқ тўловчилар манфаатларига мос ҳолда ундирилиши билан изоҳланади.

Корхоналар фойда солиғининг мазмуни молиявий-хўжалик фаолияти натижасида олинган фойданинг маълум бир қисмини давлат бюджетига ўтказилишида юзага келадиган муносабатларда намоён бўлади. Шу боис «фойда солиғи» тушунчасига қуйидагича таъриф шакллантирилди: «Фойда солиғи деганда корхона, ташкилот ва бирлашмаларда яратилган қўшимча қийматнинг бир қисми сифатида фойдани қонун доирасида белгиланган чегараларда мажбурий тўлов сифатида уни давлат бюджетини ихтиёрига ўтказилиши билан боғлиқ пул муносабатлари тушунилади».

Фойда солиғи амалиётига оид ҳуқуқий-меъёрий асос Ўзбекистон Республикаси Солиқ Кодексининг XII-

бўлими, 42-51-боблари ва 294-358-моддалари ҳисобланади[8].

Фойдани солиққа тортиш механизми фойда солиғи элементларини тизимли амалиётга татбиқ этилиши улардан самарали фойдаланишни ифодалайди. Шу боис фойдани солиққа тортиш механизмидан шундай фойдаланиш лозимки, турли даражадаги бюджет даромадларига фойда солиғи ўз вақтида тушиши, улар бир вақтнинг ўзида инновацион маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва импорт ўрнини босувчи маҳсулот ишлаб чиқаришни рағбатлантириш орқали юқори фойда олишни ҳам таъминлашга тўртки бўлиши мумкин.


Соф фойда деганда жами даромад ва доимий муассаса фаолияти билан боғлиқ харажатлар ўртасидаги фарқ тушунилади. Бунда жорий солиқ даври учун соф фойда айни бир доимий муассаса доирасида аввалги солиқ даврларида олинган зарарнинг (зарарларнинг) умумий суммасига, башарти илгари бундай зарар (зарарлар) соф фойдани аниқлашда ҳисобга олинмаган бўлса, камайтирилади[8].

Ҳар қандай хўжалик юритувчи субъект минимал харажатлар ҳисобига максимал фойда олишга интилади. Фойдадан олинмаган солиқларнинг иқтисодий табиати шундаки, яъни: унинг миқдори корхона олаётган фойда миқдори билан бевосита боғлиқ бўлади.

Фойда солиғи миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини таъминлашнинг асосий омилларидан бири ҳисобланади. Чунки фойда солиғи маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни рағбатлантириш, экспортни кўпайтириш ҳамда хорижий инвестицияларни жалб қилишнинг асосий инструменти ҳисобланади. Шу сабабли, ҳозирги вақтда миллий иқтисодиётимизнинг рақобатбардошлигини оширишда фойда солиғини такомиллаштириш муҳим аҳамият касб этади.

Фойда солиғи асосий элементларини тадқиқ этиш амалдаги солиқ қонунчилиги асосида белгиланади (1-расм).

### Ўзбекистон Республикаси солиқ қонунчилигига кўра фойда солиғининг асосий элементлари<sup>1</sup>



<sup>1</sup>Амалдаги солиқ қонунчилигини ўрганиш асосида муаллиф ишланмаси.

**Мунозара.** Фойда олиш ишлаб чиқариш фаолиятини ривожлантиришга ва ижтимоий мақсадларини амалга оширишга ёрдам бериш, шунингдек турли даражадаги бюджет даромадларини ошишига замин яратади.

Фойда солиғи бевосита солиқ сифатида тан олиниб, у маҳсулот ишлаб чиқариш (хизматларни кўрсатиш, ишларни бажариш) соҳасидаги инвестицион жараёнларнинг барқарорлигини таъминлайди, шунингдек капиталнинг қонуний ошишини кафолатлайди»[9]. Фойда солиғининг фискал функцияси, айниқса, иқтисодиётнинг инқирозли шароитларида муҳим ҳисобланади.

Корхоналарда фойда солиғи базаси ва суммасига қуйидаги омиллар таъсир кўрсатади: маҳсулотни сотишдан соф тушум, сотилган маҳсулотнинг таннархи, даромадлар, харажатлар, молиявий фаолиятнинг даромадлар ва харажатлар, фавқулодда олинган фойда ва зарар, фойда солиғининг ҳисобот давридаги ставкаси.

Юқоридаги омилларни икки

гуруҳга ажратган ҳолда уларни фойда солиғига таъсирини ҳисоблаш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз. Биринчи гуруҳ омиллари фойда солиғи суммасига ижобий таъсир кўрсатувчи омиллар бўлса, иккинчи гуруҳ омиллар унга салбий таъсир кўрсатувчи омиллардир.

Маҳсулотни сотишдан соф тушумнинг олдинги йилга нисбатан кўпайиши, бошқа омилларнинг ўзгаришсиз қолиши шарт билан фойда солиғи суммасини кўпайишига олиб келади. Сотилган маҳсулотнинг таннархи кўрсаткичи эса юқоридаги шарт билан фойда солиғи суммасини камайтиришга олиб келади.

Нафни баҳолаш имконияти мавжуд бўлган тақдирда ва бундай нафни баҳолаш мумкин бўлган даражада ҳисобга олинмаган пул ёки натура шаклидаги иқтисодий наф даромад деб эътироф этилади[8].

Фойдани солиққа тортиш моҳиятини тушунишда фойданинг турли кўринишларини фарқлаш лозим. Фойдани солиққа тортишдаги солиқ базасини аниқроқ тасаввур этиш учун қуйидаги 1-жадвални келтирамиз:

**1-жадвал**

**Фойда солиғи базасини ҳисоблаш алгоритми тавсифи<sup>2</sup>**

Алгоритм босқичлари	Кўрсаткичлар	
Ялпи фойда	Маҳсулот (иш, хизмат) реализациясидан олинган фойда (зарар)	Реализация қилишдан ташқари олинган даромадлар
Чегирилади	1. Ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари: - моддий харажатлар; - иш ҳақи харажатлари; - ижтимоий харажатлар; - амортизация харажатлари; - бошқа харажатлар. 2. Асосий фондлар реализация бўйича харажатлар	Реализация таркибига киритилмайдиган харажатлар: - асосий фаолият бўйича олинган кредитлар бўйича фоизлар; - қимматли қоғозлар бўйича ҳисобланган фоизлар; - салбий валюта курси фарқи; - реклама харажатлари; - бошқа харажатлар
Солиққа тортилмайдиган фойда		
Чегирилади	Солиқ қонунчилигида белгиланган фойда солиғи бўйича имтиёзлар	
Фойда солиғи базаси		

<sup>2</sup> Меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар асосида муаллиф ишланмаси.

Юқоридаги 1-жадвалдан кўриш мумкинки, корхона молиявий менежери ўз диққат эътиборини маҳсулот таннархига, шунингдек солиқ чегирмаларига қаратган ҳолда соф фойда миқдорини оширишга ҳаракат қилади. Бошқача айтганда, корхона молиявий менежериди маҳсулот таннархига қилинган харажатлар ва эҳтимолий солиқ имтиёзларини қўллаш имконияти мавжуд.

Таъкидлаш лозимки, корхона менежери корпоратив молия стратегиясини олиб боришнинг келгусидаги таҳлилини тахмин қилишда фойда солиғини режалаштиришга алоҳида урғу беради.

Фойда солиғини хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятига таъсирини таҳлил қилиш орқали қуйидагича хулоса қилиш мумкин:

Иқтисодиёт соҳа ва тармоқларнинг хусусиятларидан келиб чиқиб молиявий натижаларини ҳисобга

олувчи стандарт йиллик ҳисобот формаларини ишлаб чиқиш лозим.

Йирик солиқ тўловчиларининг инвестицион фаоллигини қўллаб-қувватлаш мақсадида фойда солиғининг табақалаштирилган ставкаларини жорий этиш мақсадга мувофиқдир:

Бунда корхоналар учун устав фондида узоқ муддатли инвестициялар улушига қараб:

✚ 35 дан 40 фоизгача бўлганда — белгиланган ставка 80 фоизни;

✚ 40 дан 50 фоизгача бўлганда — белгиланган ставка 75 фоизни;

✚ 50 фоиздан юқори бўлганда — белгиланган ставка 70 фоизни ташкил этиши энг маъқул амалиёт бўлади деб ҳисоблайман.

Тижорат банклари учун ҳам фойда солиғи ставкасини 15 фоиз миқдориди белгилаш муҳимдир.

Фойда солиғидан тушумларнинг фискал база шаклланишидаги иштироки динамикасини 2-жадвалда кўришимиз мумкин.

## 2-жадвал

2015-2022 йилларда Ўзбекистон Республикасида фойда солиғидан тушумларнинг давлат фискал базаси шаклланишидаги иштироки динамикаси<sup>3</sup>

Кўрсаткичлар	Йиллар							
	2015	2016	2017	2018	2019	2020	2021	2022
1.Фойда солиғи тўловчилар сони	12391	9171	8197	6723	7609	53051	112336	140566
2.Бевосита солиқлардан тушум: -млрд.сўм -жамига нисбатан, %да	8 798,5 23,6	9 852,7 23,0	10 672,7 24,0	11 538,9 20,6	29 125,5 28,4	40 584,6 31,6	46 845,2 31,8	63 330,5 31,7
3.Бюджетга ўтказилган фойда солиғи: -млрд.сўм -жамига нисбатан,%да	1180,5 3,2	1215,1 3,0	1475,5 2,9	3502,21 4,0	16360,6 14,6	22058,7 21,6	38363 23,3	38557 19,8

<sup>3</sup> [www.mf.uz](http://www.mf.uz) – Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги сайти маълумотлари



2015-2022 йиллардаги бюджет даромадларига назар ташланса, фойда солиғи миқдори ошиш тенденциясига эга бўлган бўлса, унда унинг бюджет даромадлари таркибидаги улуши турлича ўзгарди (2-жадвал, 2-расм). Жумладан, 2021 йилда фойда солиғи миқдори 38363,0 млрд. сўмни ташкил этган, бу кўрсаткич 2015 йилга нисбатан 37182,5 (38363,0-1180,5) млрд.сўмга, яъни 32,5 баробарга кўпайган эди. Буни солиқ солинадиган база кенгайиши билан изохлаш мумкин. Бюджет даромадлари таркибида фойда солиғининг улуши 2021 йилда 23,3 фоизни ташкил этиб, 2015 йилга нисбатан 20,1 фоизга кўпайган.


2-расмда келтирилган маълумотлардан маълум бўлдики, фойда солиғи бюджет даромадларига нисбатан энг катта кўрсаткичи 2021 йилда қайд этилди, яъни 23,3% (ёки 38363,0 млрд. сўмни ташкил этди). Давлат бюджети даромадлари таркибида фойда солиғи салмоғи ошишини бундай солиқ тури бўйича солиқ тўловчилари сони ошганлиги билан боғлаш мумкин.

Фойда солиғи тўловчилар сони кескин ошишининг асосий омили солиқ сиёсатини такомиллаштириш концепцияси доирасида йиллик айланмаси (тушуми) 1 млрд. сўмдан ошган корхоналарнинг умумбелгиланган солиқларни тўлашга ўтказилганлиги ҳисобланди. Бундан ташқари солиқ даврида товарларни (хизматларни) реализация қилишдан олган даромадлари бир миллиард сўмдан ортиқ бўлган ёки ўз ихтиёри билан фойда солиғини тўлашга ўтган якка тартибдаги тадбиркорлар ҳам фойда солиғи тўловчилари ҳисобланиши белгилаб берилди.[9]

Ҳозирги глобаллашган иқтисодий талаблари ва реал ҳаётнинг эҳтиёжларни ҳисобга олган ҳолда корхоналарни солиққа тортиш методологияси тадқиқига янгича ёндошувнинг фундаментал асоси шунга таянмоғи лозимки, унда мамлакат солиқ тизими корхоналар самарали фаолиятини таъминлашнинг истиқболдаги вазифаларини ҳисобга олиши муҳимдир.

2-расм

Фойда солиғи миқдори ва унинг бюджет даромадлари таркибидаги улуши динамикаси<sup>4</sup>



<sup>4</sup> [www.mf.uz](http://www.mf.uz) – Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги сайти маълумотлари

Ўзбекистон Республикаси солиқ кодексининг 305-моддасига мувофиқ, ҳар қандай чиқимлар, башарти улар ҳеч бўлмаганда қўйидаги шартлардан бирига мувофиқ келган тақдирда, иқтисодий жиҳатдан ўзини оқлаган чиқимлар деб эътироф этилади:

1) даромад олишга қаратилган фаолиятни амалга ошириш мақсадида қилинган бўлса;

2) шундай тадбиркорлик фаолиятини сақлаб туриш ёки ривожлантириш учун зарур бўлса ёхуд хизмат қилса ва харажатларнинг тадбиркорлик фаолияти билан алоқаси аниқ асосланган бўлса;

3) қонунчиликнинг қоидаларидан келиб чиқса.

Амалиётда баъзан шу харажатлар бўйича фойда солиғи базасини ҳисоблаш жараёнида вазиятли муаммолар учраб туради. Жумладан:

Тижорат ташкилоти унга тегишли офис майдонини ижарага беради. Биноларни сақлаш харажатлари мунтазам равишда ижара даромадидан ошиб кетади. Натижада, ушбу фаолият учун бухгалтерия ҳисобида ҳам, солиқ ҳисобида ҳам зарар шаклланади. У бошқа фаолиятдан олинган даромадлар билан қопланади. Бундай ҳолда, солиқ инспекцияси ташкилотга биноларни сақлаш харажатлари иқтисодий жиҳатдан оқланмаганлиги сабабли даъво қилиши мумкин, чунки улар фойда келтирмайди.

Экспорт қилувчи компания чет эллик харидорларни қидириш учун учинчи томон ташкилотининг хизматларидан фойдаланади. Солиқ текшируви пайтида солиқ инспекцияси ушбу харажатларнинг иқтисодий оқланганлигини исботлашни талаб қилишга ҳақлидир.

Бундай далил сифатида экспорт қилувчи компания учинчи томон

ташкilotининг хорижий шерик билан музокаралари баённомасини, тузилган битимдан олинган фойдани ҳисоблашни ва бошқаларни тақдим этиши мумкин.

Бундан ташқари, солиқ инспекциясининг фикрига кўра, баъзи харажатлар бўрттирилган бўлса, инспекция даъво қилиши мумкин. Бундай даъволар фаолият ёки битимдан фойда олинган тақдирда ҳам пайдо бўлиши мумкин.

**Хулоса.** Ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг молиявий асослари шаклланишига ижобий таъсир этишнинг муҳим усулларида бири - корхона фаолиятини солиқлар орқали тартибга солишнинг муҳим вазифаси сифатида солиқларнинг ижобий таъсирини кучайтириш ҳамда салбий таъсирини камайтиришдир. Ҳар қандай корхона ўзининг бюджет олдидаги солиқ мажбуриятларини максимал даражада қисқартириш учун қонунда белгиланган тартибда бизнесни юритиш ва хўжалик операцияларини ҳисобга олишнинг самарали усуллари ва йўлларида фойдаланиш ҳуқуқига эгадир.

Солиқ тўловларини оптималлаштириш – бизнес ривожига орқали корхона молиявий имкониятларини ошириш ҳамда солиқ базаси келгуси ўсишини таъминлашнинг муҳим асосларидан биридир. Солиқ тўловларини оптималлаштириш натижасида корxonанинг келгуси ривожланиши ва фаолияти самарадорлигини ошириш учун реал имкониятларнинг ўсиши кузатилади. Шунинг учун солиқларнинг корхона фаолияти кўрсаткичларига таъсирини муттасил таҳлил этиб бориш – корхона фаолиятини солиқлар орқали самарали тартибга солишнинг муҳим шarti ҳисобланади.

Жаҳон солиқ амалиёти тажрибаларини умумлаштирган ҳолда солиққа тортиш фискал типининг тартибга солувчи типига трансформациялашуви объектив тенденцияси кузатилаётганлиги аниқланди ва шу билан боғлиқ тарзда янги Ўзбекистон иқтисодиёти ривожланиш истиқболларида солиққа тортишнинг тартибга солувчи типига ўтиш мақсадга мувофиқлиги таъкидланди.

Солиқларнинг тартибга солиш функциясининг бир қисми сифатида солиқ маъмуриятчилиги тизимини такомиллаштириш майдонга чиқади. Ушбу йўналишда қуйидагилар таклиф этилади:

- солиқ органлари ишининг технологик жараёнлари учун ягона стандартларни белгилаш;

- солиқ солинадиган операцияларнинг мониторингини такомиллаштириш мақсадида комплекс ахборот тизимларини кенг ва тезкор равишда жорий этилиши туфайли солиқ тўловларини мажбурий йиғиш механизмини кучайтириш;

- солиқ концепцияси доирасида фойда солиғини тўлашга ўтган барча тадбиркорлик субъектлари учун фойда солиғи базасини ҳисоблаш бўйича амалий қўлланмалар ва дастурий маҳсуллар ишлаб чиқиш;

- барча хўжалик юритувчи субъектларни босқичма-босқич фойда солиғи тўлашга ўтказиш;

- тижорат банклари учун ҳам фойда солиғи ставкасини 15 фоиз миқдорида белгилаш.

## ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Peter G. Peterson Foundation. <https://www.pgpf.org/blog/2021/04/six-charts-that-show-how-low-corporate-tax-revenues-are-in-the-united-states-right-now>
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 29 июндаги Ўзбекистон Республикасининг солиқ сиёсатини такомиллаштириш концепцияси тўғрисида”ги ПФ-5468-сон Фармони, <https://lex.uz/docs/3802378>
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-60-сонли Фармони, <https://lex.uz/docs/5841063>
4. Расулов М. Бозор иқтисодиёти асослари. “Ўзбекистон”, 1998 йил, 380-бет
5. Абдукаримов Б. ва бошқалар. “Корхона иқтисодиёти”. Тошкент. “Фан”, 2005 йил, 220-бет.
6. Зарипов Х.Б. Фойдадан олинадиган солиқларнинг акциядорлик жамиятлари иқтисодий фаолиятига таъсири//“Халқаро молия ва ҳисоб” илмий электрон журнали. № 4-5, август-октябрь, 2018 йил
7. Зайналов Ж.Р., Алиева С.С., Ахоров З.О. ва бошқ. Солиқлар ва солиққа тортиш. Дарслик. – Т.: Иқтисод-молия, 2021. – 63 б.
8. Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси, Тошкент.: 2023 йил. <https://lex.uz/m/acts/4674902>
9. Данченко М.А. Налогообложение. Учеб.пос. – Томск: ТГУ, 2015. – с. 78.
10. Абдуганиева Г.К., Бабабекова Н.Б. Прогнозирование налогов. Учеб.пос. – Т.: Tafakkur bo’stoni, 2012. – С. 108.
11. [www.lex.uz](http://www.lex.uz)
12. [www.mf.uz](http://www.mf.uz)
13. [www.soliq.uz](http://www.soliq.uz)